

Аллоҳ билан учрашиш иштиёқи



08:00 / 11.06.2020 3211

Абу Абдуллоҳ Ансорий – Абул Ҳасан Ҳаётийдан ривоят қилади: «Мисрга бориб, шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Дуколийнинг беморлигини эшитдим. Уйини топиб бориб, ичкарига кирдим. Ҳол-аҳволини сўрасам, «Эй фақиҳ, менинг бу ҳолатим Аллоҳ таоло билан учрашишга иштиёқманд бўлиб турган кишининг ҳолатига ўхшайди», деди. Ҳузуридан чиқиб, дарвозага яқинлашганимда аёли югуриб келиб, «Эй жаноб, шайх раҳимаҳуллоҳ вафот этдилар», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан